

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида  
2024 йилда амалга оширилган ўқув ишлари бўйича

**БАКАЛАВРИАТ**

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалавриатда таълимнинг кундузги шаклида “**Тергов фаолияти**” ва “**Прокурорлик фаолияти**” шунингдек, “**Прокурорлик фаолияти**” сиртқи таълим йўналишларида **ўзбек** ва **рус тилларида** ўқиш ташкил этилиб, жами **1 017** нафар талаба таҳсил олмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-1-сон Фармони ижроси бўйича Мажбурий ижро бюросининг ўрта махсус маълумотли амалдаги **51** нафар давлат ижрочиси бакалавриатнинг “**Прокурорлик фаолияти**” йўналиши сиртқи таълим шаклига қабул қилинди.

**2023/2024** ўқув йилида:

Бакалавриатнинг “**Тергов фаолияти**” (ҳарбийлаштирилган ва ҳарбийлаштирилмаган) ҳамда “**Прокурорлик фаолияти**” кундузги ва сиртқи таълим йўналишларига **351** нафар талаба қабул қилинди;

“**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш**” таълим йўналиши бўйича **287** нафар талаба ўқишни тамомлади, янги ўқув йилидан ушбу йўналишда **281** нафар талаба сўнги 3-курсда ўқишни давом эттирмоқда.

**2024/2025** ўқув йилида бакалавриатга **524** нафар талаба қабул қилинди.

Маълумот учун: бакалавриатда **1 ўринга 20 та** номзод (ўтган йилда **15 та**)

Жорий ўқув йилидан бошлаб, “**Прокурорлик фаолияти**” йўналишида **иккинчи олий таълим шакли** йўлга қўйилди.

Академияда **дуал таълим шакли** 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб **синов** тариқасида жорий этилиши белгиланди.

Жумладан, Академиянинг битирувчи **3-курс талабалари** учун ўқишнинг **16 ҳафтаси** назарий таълим, яна **16 ҳафтаси** эса прокуратура, суд, ички ишлар органлари, божхона хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросида бевосита амалиёт ўташ тарзида олиб бориш режалаштирилган.

Бакалавриатнинг **1-курси** учун мўлжалланган модуллар **умумназарий** ва **фундаментал** бўлганлигини инобатга олиб, қўшимча амалий машғулотлар, **4 та** илмий мактаб ва **17 та** тўгарак воситасида **дуал таълимга** тайёрланмоқда.

Бакалавриатнинг **2-курс** талабалари учун **криминалистика лабораторияси, киберлаборатория, киберполигон, юридик клиника, тергов полигони, суд-тиббий экспертиза хонаси, суд имитацияси зали, рақамли**

криминалистика лабораторияси, сўроқ қилиш ва таниб олиш полигони, ўқ отиш комплекси, "102" навбатчилик қисмида навбатчиликни ташкил этиш ва шу каби **10 дан ортиқ** қўшимча воситалар ҳамда **сайёр тадбирлар** ёрдамида ўқув режадаги семинар машғулотларининг аксарият қисми амалий машғулотлар шаклида олиб борилди.

## **МАГИСТРАТУРА**

Магистратуранинг **“Прокурорлик фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ”** ва **“Прокурорлик фаолияти”** (сиртқи) мутахассисликлари бўйича жами **313** нафар тингловчига таҳсил олмоқда.

**2024 йилда** таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклини тамомлаган **139** нафар тингловчига **“ҳуқуқ магистри”** академик даражаси берилди.

**2024/2025** ўқув йилида **магистратурага 206 нафар** тингловчи қабул қилинди. *Маълумот учун: магистратурада 1 ўринга 60 та номзод (ўтган йилда 34 та)*

Жорий ўқув йилидан бошлаб, **“Прокурорлик фаолияти”** мутахассислигида **кечки таълим шакли** йўлга қўйилди.

**2025/2026** ўқув йилидан **“Киберҳуқуқ”** йўналиши бўйича магистратурани ташкил этиш **режалаштирилган**.

## **ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ:**

2024 йил давомида **54** та малака ошириш курслари ўтказилиб, жами **2 514 нафар** ходимнинг (*прокуратура – 1234, Департамент – 404, МИБ – 420, ИИБ – 426, ДХХ – 30*) малакаси оширилди.

Президентнинг 2024 йил 5 июндаги ПҚ–210-сон қарорига мувофиқ, **“Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш”** мавзусида **22 минг** нафардан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўқитилиб, **сертификат** берилди.

**Прокуратура, ИИБ, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** хизмат ўтаётган **133** нафар **суриштирувчи, терговчи ва бошқа раҳбар кадрлари** касбий қайта тайёрлаш курсида ўқитилиб, **диплом** берилди.

Бакалаврият ва магистратуранинг ўқув жараёни Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (*European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS)*) негизида ишлаб чиқилган таълимнинг **кредит - модуль тизими** асосида амалга оширилмоқда. Ўқув жараёнида **барча назорат турларини электрон ўқув портали** орқали **инсон омилисиз** ташкил этиш ва баҳолашнинг шаффоф механизми йўлга қўйилди.

